АЙЁМ МУБОРАК, АЗИЗ АЁЛЛАР!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

7 Март, шанба 1998 йил №27 (529)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлиги мезони оила аҳиллиги, оила мустаҳкамлиги. Аёл — оиланинг асоси, оила ҳаётини чароғон этиб турувчи ёруғлик.

Ислом КАРИМОВ.

УШБУ СОНДА:

2-бет

3-бет

ТV дастури

4-бет

БАРОАМИНГИЗ БИЛАН ОИЛАНОЙЛИК!

5-бет

6-бет

«ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИН» ТАНЛОВИ ҒОЛИБАСИ

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли онахонлар!

Меҳрибон опа-сингиллар!

Азиз қизларим!

Сизларни қалбларимизни меҳру муҳаббатга тўлдирувчи эзгулик ва гўзаликка даъват этувчи, ўзингиз каби файзли байрамингиз - 8 Март муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Аёл гўзаллиги ва латофатини тасвир этмоққа ҳар қандай таърифу тавсифлар озлик қилади. Аёл ўзининг нозик елкаларида нафақат ўз оиласи, балки бутун оламнинг ташвишларини кўтариб турибди, деб айтсак асло муболаға бўлмас. Оила фаровонлигини, элу юртнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминловчи, жамоани бирлаштирувчи, эзгу ва ёруғ йўлга етакловчи ҳам аёл.

Ҳар қандай жамият ва давлатнинг адолатли экани, авваламбор, унинг аёлларга эътибори билан ўлчанади.

Ҳаёт пайдо бўлганидан буён инсон Она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади. Аёлни табиатнинг тенгсиз мўъжизаси деб билади, уни эъзозлаб яшайди. Оламга мунавварлик бағишлаган меҳр-оқибат, садоқат, ор-номус каби мумтоз туйғулар аёл қалбида мужассамдир.

Эртанги кунни ёруғ ва саодатли кўрмоқни истаган барча миллатлар орасида аёл зотини эъзозлаш энг муқаддас таомилдир. «Жаннат оналар оёғи остидадур» деган муборак калима ҳам аслида шул ҳақиқатнинг исботидир.

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлиги мезони - оила аҳиллиги, оила мустаҳкамлигидир. Аёл - оиланинг асоси, оила ҳаётини чароғон этиб турувчи ёруғлик.

Бугун азиз ва озод Ватанимизга содиқ, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшадиган оқил, шижоатли, бақувват, мамлакатимиз истиқлолини фидокорона ҳимоя этмоққа қодир авлодни тарбиялашни барча аёлларимиз, оналаримиз ўз умрларининг мазмуни деб биладилар.

1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта. Оила миллатнинг, демак, Ватаннинг буюк келажагини улғайтирувчи муқаддас бешик. Унибўсаётган авлоднинг соғлом, маънавий етук, ватанпарвар бўлиб камол топиши оилага, бевосита Сиз - аёлларга боғлиқ эканини биз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам аёл зотини ҳамиша иззат қиламиз, оналарни мўътабар билиб бошимизга кўтарамиз.

Муҳтарам онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Сизларни гўзал аёмингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлайман.

Оллоҳ бахтингизни, иқболингизни ҳамиша зиёда этсин! Янги жамиятимизни, янги порлоқ келажагимизни қуриш, фарзандларнинг камолини ва роҳатини кўриш, қадамлари қутлуғ келинлар тушириш, шириншакар набираларнинг бешигини тебратиш саодати ҳар бирингизга насиб этсин!

Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик кўнглингизни ҳамиша мунаввар қилаверсин!

Рўзғорингиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин, рисқингиз улуғ, умрингиз узун бўлсин!

Бахтимизга доимо соғомон бўлинг!

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

В.И.Норовни Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Владимир Имомович Норов Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов

Тошкент шаҳри,
1998 йил 5 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

В.И.Норовга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Владимир Имомович Норовга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 5 март

Тадбиркорлик - давр талаби

«АЁЛЛАР ЯРАТУВЧАН»

(шубҳасиз эркаклар билан биргаликда)

Яқин ўтмишимиздаги ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар аҳли аёлларимизнинг ички ҳиссиётида аллақандай тараддуд замонага нисбатан хайрихоҳлик куртакларини уйғотди. Бинобарин, мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳаммадан ҳам кўра куюнчак, ватанпарвар ожизаларимизни буюк яратувчанлик ишларига даъват этган бўлса ажаб эмас.

Ўзбекистонда кооператив-ширкат ижара пудрати каби мулкчилик шакллари энди-энди ҳаракатга келган бир вақтда Татьяна Игамбердиева яқин танишлари, кооперативчи дўстларига бухгалтерлик ҳисоби, сметалар тузиш ишларида кўмаклашиб юрди. Шу аснода ўзини анчадан буён қийнаб турган масалалар - хусусий фаолият юритиш, атрофидаги яқинларини иш билан таъминлаш, қолаверса, ислоҳотлар жараёнида давр билан ҳамнафас бўлишга йўл топгандай бўлди. Бу йўл - кўптармоқли ишлаб чиқариш-тижорат хусусий фирмасини ташкил этиш билан бошланди. Уша вақтдаги 400 рублик маблағ билан асос солинган «Ҳамит» фирмасининг ҳисоб рақамида шу кунгача бирор марта кредит ва бошқа қарзлар олинмаганлиги маълум бўлади. Бунинг асосий омилларидан бири деб эса ишни тўғри ташкил этиш, сармоядорлардан оқилона фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, фирма раҳбари Т.Игамбердиеванинг мутахассислиги муҳандис-қурувчи бўлгани учун корхона фаолиятини мувофиқлаштириш анча осон кечди.

Сулув қизнинг харидори кўп бўлади, деганларидек, яхши фирманинг мижозлари ҳам ўз-ўзидан кўпаяди ва шаклланади. Пойтахтимиздаги тери-галантерея фабрикасига қарашли «Орзу» ошхонаси фирма ишчилари томонидан қайта таъмирланиб, замонавий кўринишдаги кафе тусини олгач, фирманинг бу илк хизмати юқори тақдирланди - унга буюртмалар оқиб кела бошлади. Таниш-билишлар яқин-узоқдаги корхона ва ташкилот аъзолари «Ҳамит» фирмаси хизматини ўзларига лойиқ топдилар. Айни вақтда фирма қурувчилари, пардозловчи-штукатурчи, буёқчи, ойнасозларини асосан шаҳар ДАН тизимида, Акмал Икромов туман ҳокимлиги, ушбу туман халқ таълими бўлими ва пойтахтимиздаги олий ўқув юртларининг иншоотларида учратиш қийин эмас. Сабаби шундаки, фирма мазкур мижозлар билан доимий равишда шартнома асосида ишлаб келади. Юнусобод туманидаги «Учқаҳрамон» ДАН постини барпо этишда эса фирма қурувчилари пойдевор ётқизиш ишидан бошлашган. Маълумки, юқорида номи келтирилган тизим иншоотларида иш қулами йилўн икки ой давом этиши мумкин. Яъни, фирманинг ишчилари доимий равишда буюртма билан банд этилиши улар ишлаб чиқаришдан бездириб қўймайдими, деган саволимизга Т.Игамбердиева «Асло!» деб жавоб берди. Маълум бўлишича, фирма ишчи-хизматларининг ойлик маошлари бугунги кун ҳисоб-китоблари билан ўлчаганда анча юқори экан, хусусан бу ойига 25-30 минг сўмни ташкил этади. Ҳар бир ишчи-ходим шаҳар автотранспорти йўналишидаги чипталар билан таъминланган. Бундан ташқари қурувчи деган одам бир кунда жилла қурса бир марта иссиқ овқат емаслиги мумкин эмаслигини назарда тутиб, фирма уларнинг тушлигини ҳам ўз ҳисобидан амалга оширади. Фирма ишчилари махсус кийим, замонавий создаги асбоб-ускуналар билан ҳам юз фоиз қуроллантирилган. Шунингдек, кўпгина хусусий фирма-корхоналардан фарқли ўлароқ, «Ҳамит» фирмаси ишчиларига касаллик варақалари учун тўловлар рўёбга чиқарилади. Меҳнат таътили вақтида санаторийлар учун йўлланмалар, самолётда учиш учун чипталар ҳам ўз корхоналари ҳисобидан тўланади. Фирма Акмал Икромов туманида ногиронлар, нафақахўр-қариялар, етим болаларга кўрсатиладиган ҳайрия ёрдамларида фаол қатнашади. Фирма оталиғидаги 452-болалар боғчаси тарбияланувчилари эса сифатли озиқ-овқатлар, бежирим ўйинчоқлар билан уларни доимий равишда таъминлаб келаётган меҳрибон кишиларини узоқданоқ пинак бузмай таниб олишади.

Татьяна Игамбердиева ходимларининг кундалик ташвишлари, айниқса уларнинг фарзандлари қайғусида юрганларини яхши ҳис этади. Чунки ҳар қандай ота-она бир бурда луқмасини оилам, фарзандларим учун деб ишлаб топади. Шунинг учун олти нафар ходимнинг фарзанди пуллик шартнома асосида олий ўқув юртига киришни ихтиёр этганини билган фирма раҳбари бу харажатларни корхона ҳисобидан амалга оширишга розилик берди.

- Ўзбекистон «Тадбиркор аёл» ассоциацияси билан яхши муносабатлар ўрнатганман,- дейди Т.Игамбердиева биз билан суҳбатда. - Ассоциация раҳбарлари Дилдора Алимбекова, Гулчеҳра Ҳамидоваларнинг саъй-ҳаракатлари билан фирмамга 20 та тикув машинаси келтирилди. Бу ускуналарда фирмамиз ишчи-ходимларининг қизларини тикиш-бичиш ишларига ўқитиш ниятидамиз.

Дарвоқе, бу тикув цехининг маркетинг бозори ҳам ўзига хослиги билан кишини қизиқтиради. Гап шундаки, ўзбекистонликлар орасида 68-70 размер ўлчамдаги кийим-кечак киядиганлар кўплигига қарамай, бу тоифа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кўпинча етарлича эътибор берилмайди. Фирма раҳбарининг айтишига қараганда, айнан алпқомат аёл ва эркакларга мўлжаллаб тикиладиган мазкур қийим-кечаклар арзонлиги ва сифати билан талабгорлар диққатини жалб этиши мумкин.

Татьяна Игамбердиева шу қаторда фарзандлари Умид ва Шерзоднинг ҳалол инсон, етук мутахассис ва меҳрибон фарзанд бўлишларини истайди. Аёл борки, ҳар кимга биргина илиқ сўз айтсам, кўнглини кўтарсам деган ниятда юради. Фирмангиз ходимларидан фаол аёлларни санаб ўтсангиз деганимизда, у киши М.Болученко, Л.Муксинова, К.Лазаренко, Р.Хананова, Л.Вагапова, А.Ибрагимоваларни мамнуният билан тилга олди. Шубҳасиз, бу аёлларимиз янги жамият қурилишида, мамлакатимиз иқтисодиётини тараққий эттиришда ўз ҳиссаларини қўшиб келаётирлар.

Нодир АЛИМОВ

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Сербиянинг Косово вилоятида тартибсизликлар бўлиб ўтмоқда. Албан миллатига мансуб аҳоли Косовога мухторият мақоми берилишини талаб этмоқда. Серб полицияси албан намойишчиларига қарши кескин чораларни қўлламоқда. Маҳаллий аҳоли шафқатсиз равишда ўққа тутилмоқда.

* * *

Ироқ пойтахти Боғдодда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш бўйича назоратчилар гуруҳи иш бошлади. Ушбу гуруҳга АҚШлик Скотт Риттер бошчилик қилмоқда. Ироқ ҳукумати уни яқинда жосусликда айблаган эди.

* * *

Пекинда Хитой Халқ Республикаси Миллий Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтмоқда. Унда сўзга чиққан Хитой Бошвазири Ли Пэн ҳукумат вазирлари сонини камайтириш ниятида эканини билдирди.

* * *

Бельгия пойтахти Брюсселда қонли тўқнашув бўлиб ўтди. Шаҳардаги уйлардан бирида Жазоир ислом жангарилари яширинганидан хабар топган полиция уларни қўлга олишга киришган. Отишма оқибатида бир нечта полициячи ҳалок бўлган. Жангарилардан 6 киши қўлга олинган.

* * *

Чеченистон президенти Аслан Масхадов 9 март куни Буюк Британияга ташриф буюради. У Англияда бир ҳафта меҳмон бўлиш ниятида. Инглиз томони Масхадовни мустақил давлат раҳбари сифатида эмас, Россиянинг бир қисми бўлган Чеченистоннинг оддий фуқароси сифатида кутиб олмоқчи.

* * *

Шри-Ланка пойтахтида кучли портлаш рўй берди. Кундуз куни, одамлар энг гавжум жойда портлаган бомба 30 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

БАҲОР ВА НАФОСАТ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида оламшумул тарихий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу залворли одимларда хотин-қизларимизнинг ҳам ҳиссалари беқиёсдир. Биз жонажон диёримизнинг равнақи йўлида жонбозлик кўрсатаётган ишчи, муаллима, шифокор, тадбиркор, муҳандис, олима сингари турли касб соҳибалари бўлган аёлларимиз, мушфиқ ва мунис оналаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 6 март куни зеболик ва эзгулик, меҳр-муҳаббат ва гўзаллик рамзи бўлмиш аёлларимизнинг байрами - 8 Март кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда ана шу ҳақда гапирилди. Бу ерга мамлакат хотин-қизлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, меҳмонлар ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон аёлларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшитирилди.

Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова мамлакатимиз аёлларининг Ватанимиз равнақи йўлида, келажагимиз бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялашдаги фидокорона меҳнатлари ҳақида сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Қаҳрамони Онесия Саитова, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Галина Мельникова ва бошқалар йўлбошчимизнинг ташаббуси билан тарихий қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз тикланаётган ҳозирги вақтда аёлларни эъзозлаш, улар меҳнатининг қадрига етиш, уларнинг жамият ҳаётида қатнашиши учун зарур шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш, серфарзанд оилаларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни камол топтириш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. 1998 йил Оила йили деб эълон қилингани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Сўзга чиққанлар республикамиз аёлларига қилинаётган доимий ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

Саньат усталари ва ижрочи ёшларнинг чиқишлари кечага алоҳида файз бағишлади.

(ЎзА).

Касаба уюшма фаолияти: касабақўм ҳисоб беради

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Андижон вилояти тиббиёт муассасаларида 1997 йили тузилган жамоа келишувларининг таҳлили шуни кўрсатаяптики, уларда ишчи ходимлари ва раҳбарият ўртасида зиммага олинган мажбуриятларнинг бир қисми бажарилмаган, ижтимоий-ҳимояга доир айрим масалалар эса шартномаларда ўз ифодасини аниқ-равшан топмаган. Ижтимоий ҳимояга доир айрим моддаларнинг бажарилмай қолишига эса асосан маблағнинг етишмаслиги сабаб бўлган.

Демак, биз касаба уюшма фаоллари ана шу маблағни топиш устида бош қотиришимиз керак. Бу соҳада айрим тажрибаларга ҳам эгамиз. Масалан, айрим ташкилотларимиз ички имкониятларидан моҳирона фойдаланиш эвазига, бултур вилоятдаги тармоқ касаба уюшма ташкилотларига 565 минг сўм қўшимча даромад келтирдилар. Бу маблағнинг деярли ҳаммаси ночор-ноилож ходимларни моддий қўллаб қувватлаш, шифокорларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини согломлаштириш каби муҳим ишларга сарфланди.

Қўшимча маблағманбаларини излаш бу йил анчайин ривож топади, деб дадил айтиш мумкин. Чунки тармоқ касаба уюшма вилоят кўмитаси оила йилида кам таъминланган ва кўп болали оилаларни аниқлаб, уларга моддий ёрдам беришни кучайтиришга қарор қилган.

Биз қуйи ташкилотларга маблағ билан боғлиқ бўлган бундай топшириқни хўжакўрсин учун эмас, балки илғор ва ташаббускор меҳнат жамоаларининг иш тажрибасига таянган ҳолда бердик. Мисолга вилоят клиник шифохонасини олайлик. Шифохона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида иш ўринларини одилона қайта кўриб чиқдилар.

Натижада бу йирик муассасада ходимларнинг ойлик маоши ўртача уч ярим (3500) сўм минг сўмдан врач ва юқори малакали ҳамшараларнинг ойлиги эса 8000-10.000 сўм атрофида бўлди. Айни пайитда бу ерда муҳтож оилаларга қўшимча ижтимоий ҳимоялаш учун ҳам анча мунча маблағ ғамлаб қўйиш имкони вужудга келди.

Андижон давлат тиббиёт олийгоҳи клиникаси ва Асака шаҳар касалхонаси ҳам ана шу йўлдан бориб, маошларни анча оширишга, ижтимоий ёрдам учун жамғарма бунёд этишга муваффақ бўлишмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнига алоқадор яна бир қўшимча маблағ манбаи ҳақида сўз юритмоқчиман. Бу ўзаро ҳамкорлик жамғармасидир. Избоскан туман марказий шифохонаси ходимлари 1997 йили жамоа шартномасининг якунини муҳокама қилар эканлар, ҳамкорлик жамғармасини ташкил этишга ва буни янги шартномага алоҳида модда қилиб киритишга қарор қилдилар.

Ўзаро ҳамкорлик жамғармасининг мақсад ва мазмуни шундан иборатки, меҳнат жамоасининг яъни касаба уюшмасининг ҳар бир аъзоси ўз маошидан бир фоизини ихтиёрий равишда ана шу жамғарма ҳисобига ўтказади. Касаба уюшма ташкилоти билан маъмурият жамғармадаги маблағни ходимлар эҳтиёжига қараб сарфлайди. Тармоқ касаба уюшма вилоят кўмитаси ҳозир мазкур тажрибани кенг оммалаштирмоқда.

Шу ўринда ўз ечимини кутаётган яна бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Маълумки, шифохоналарда беморларни овқатлантиришда янги тартиб жорий қилинмоқда. Яъни беморларнинг имтиёзли гуруҳигина бепул овқат билан таъминланиб, қолгани учун эса нонуштадан бошқаси пуллик қилиб белгиланди.

О. АБДУРАҲМОНОВА,
соғлиқни сақлаш ходимлари касаба ушмаси Андижон вилояти кўмитасининг раиси.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

ТЕНДЕР – МАҚБУЛ ЙЎЛ

Қорақалпоғистонда ҳам собиқ қизил империядан қолган катта меросқурилиши битмаган иншооатлар талайгина. Ана шу қурилишдаги ишларни жадаллаштириш, мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Унга асосан инвестиция дастурини бозор муносабатларига ўтиш шароити талабларига мос тарзда қўллаш, жумладан қурилишда тендер усулини жорий этиш энг мақбул йўл деб топилди. Бу борада Оролбўйи ҳудудида ҳам биринчи дадил қадам қўйилди: капитал қурилишда пудрати асосида ишлаш савдоси — тендерни ташкил этиш бўйича хўжалик ҳисобидаги республика бошқармасининг Қорақалпоғистондаги бўлими дастлабки очиқ турдаги тендерни ўтказди. Нукус шаҳрида бўлиб ўтган мазкур тадбир ташкилотчилари аввало тендерга тавсия қилинган иншооатлар рўйхатини анча муддат олдин (талабгорлар обдон танишиши мақсадида) матбуотда эълон қилди.

Дастлабки очиқ турдаги тендерга «Қорақалпоғистон ГАЗ» бирлашмасининг тармоқларидаги қурилиши чала қолган иншооатлари қўйилди. Тендерга қатнашган

ИШОНЧ

СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

РЕКЛАМА ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

Нуфузли компаниямиз нуфузли мижозларга хизмат қилади

COSCOM

GSM уяли алоқа

«Коском» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси гўзал аёлларимизни Баҳор байрами 8-март билан табриклайди. Муниса ва муҳтарама хотин-қизлар, Ҳамиша баҳор чечакларидек нафис, баҳор гулларидек фусункор, тонгдек тароватли бўлинг.

Барча эзгу-орзуларингиз рўёбга чиқсин, дилингиз сира ғам-андуҳ чекмасин. Ҳамиша бахтиёрлик тилаб чуқур ҳурмат билан «Коском» компанияси ишчилари.

Бизнинг манзил:
Тошкент, 700031, GSM уяли алоқа
Ш.Рашидов кўчаси, 118 уй
тел: 1526688, 562338
1526622, факс 1526671

Фарғона, 712000,
Партизанлар кўчаси,
51 уй
тел: (3732) 246217, 247652

Самарқанд, 703001,
Комиров кўчаси, 4 уй
тел: (3662) 356138,
312126

ДУШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Амир Темур»
9.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
10.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.50 «Бу ҳам кино». Сериал.
12.05 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
12.35 «Спорт, спорт, спорт».
12.50 «Кузя учун уй». Мультфильм.
13.10 Телевизион миниатюралар театри.
14.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
14.35—15.05 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
18.10 «Қора қўён». Мультфильм.
18.20 «Футбол майдонларида».
18.40 «Зийнат».
19.05 «Олам ва одам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муҳаббатимни куйлайман». Мусиқий дастур.
21.35 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.20 Диққат, премьера: «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Ойдин қадамлар».
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.00 «Бешинчи ўлчов».
22.20 «Бурч ва масъулият».
22.30 «Даракчи» (рус тилида).
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.40—23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ III

18.15 Янгиликлар.
18.20 «Қувноқ тароналар». Мультфильм.

Россия жамоат телевиденияси.
18.35 — 23.35

23.40 «Дунёқараш». Тележурнал.
24.00—00.20 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали:
«Умид».
«Айчурек».
«Якташлар».
21.15 «Мусиқали танаффус».
21.20 «Ҳамкорлик».
21.40 «Намастэ».
22.05 Кинематограф. «Оқ ажал».
23.25 «Спорт-тайм».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали:
«Умид».
«Айчурек».
«Якташлар».
21.15 «Мусиқали танаффус».
21.20 «Ҳамкорлик».
21.40 «Намастэ».
23.25 «Спорт-тайм».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

30-канал

16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 «Меросхўр». Телесериал (Бразилия).
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал (Франция).
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал (Франция).
18.50 «Лабиринт». Телесериал (Бразилия).
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал (Мексика).
21.00 «Клип-сюрприз» Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Мангу нафрат». Фантастик триллер.
23.10 «30-канал»да премьера. «Антонелла». Телесериал (Аргентина).
00.15 «Мангу даъват». Тарихий драма. 16-серия.
01.25 «Спорт-курьер».

КозТВ

6.30—8.00 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
17.05 «Мактаб ва ҳаёт».
17.25 Мультфильм.
17.55 «Хит-парад».
18.05 «Молия олами».
18.10 «Гутен абенд!» Немис таҳририятининг кўрсатуви.
18.35 Телевикторина.
18.50 «Ютуқ» салони.
19.00 «Этнограф Ўзбекали Жонибеков». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Сифат».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
21.50 «Дўппи кийган фариштa». Бадиий фильм.
23.20 «Ютуқ» салони.

РЖТ

8.00 Ота ва ўғил Столяровлар «Биринчи муҳаббат ҳақида қисса» фильмида.
9.30, 11.45 — Мультфильмлар.
10.00, 15.00, 01.30 — Янгиликлар.
10.10 «Деҳқон ахборотномалари».
10.40 «Янгра, севимли гармонь!».
11.15 «Америка М. Таратута билан».
11.55 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Сериал.
12.45 «Малика-келин». Саргузашт фильм.
14.25 Лев Николаев «Цивилизация» дастурида.
15.20 Лўли тароналари.
15.50 «КВН-ассорти».
16.20 Валерия Новодворская «Фруттис чердаги» дастурида.
16.55 Вупи Голдберг «Динозавр Теодор Рекс» комик жангари фильмида.
18.35 «Куйини топинг». Телеўйин.
19.10, 21.35 — Элизабет Тейлор ва Ричард Бартон «Клеопатра» супер фильмида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
23.35 «Уларнинг қалб куйлари». Байрам дастури.

РДТ

7.00 «Тонгги экспресс».
7.50 «Ватанимга хизмат қиламан!».
8.20 Мультфильмлар.
8.45 «Кучугурлар ва унинг теварак-атрофи». Ҳужжатли сериал.
9.10 «Русча бахт». Ҳужжатли фильм.
10.00 «Маски-шоу».
10.40 «Хайрли тонг, юртим!».
11.30 «РДТ почтаси».
11.40 «Аншлаг ва Ко».
12.35 Мультфильм.
13.05 Ўсмирлар учун дастур.
14.00 «97 йил аёли. 97 йил эркаги». Бутунроссия танловининг финали.
15.30 «Муваффақият ўлчови».
16.00, 22.00 — «Вести».
16.30 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
17.25 «Ҳайвонлар ҳақида мулоқот».
18.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
18.55 «Эски квартира. 1967 йил». 1-қисм.
20.15 «Мусиқали ринг». В. Добрини А.Морозов билан бахслашади.
22.35 «СВ-шоу» дам олиш кўрсатувининг премьераси.
23.05 «Қизиққон ўнлик».
24.00 «Автошоу».
00.30 «Ўз вақтида».

ТВ-6

9.05, 15.40 — «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
9.20, 01.15 — «Диск-канал».
10.05, 02.05 — «Йўл назорати».
10.20, 18.10 — Мультфильмлар.
10.55 Болалар сеанси. «Ганс Рекле ва шайтон».
12.20 Тонгги сериал. «Янги Геркулес». 6-серия.
12.50 «Ҳафта спорти».
13.30, 16.30, 01.05 — «ТСН-6».
13.40 «ОСП-студия».
14.30, 16.40 — «ТВ-6» кинотеатри. Аркадий Райкин «Одамлар ва манекенлар» фильмида. 3,4-серия.
16.00 «Сирли орол». 42-серия.
18.50 «Сиёсий қалам наҳанглари» ток-шоуси.
19.45 «ТВ-6» кинотеатри. А. Фрейдлих, Р. Гузеева, Н. Михалков, А. Петренко «Шафқатсиз романс» фильмида. 1,2-сериялар.
22.30 «Шу куннинг янгиликлари».
22.55 «ТВ-6» кинотеатри. Тереза Рассел «Беғубор осмону фалак» триллерида.

НТВ

10.00 «Баҳор» комедияси.
11.45 Болалар учун мультфильм.
12.00 «Бугун эрталаб».
12.10, 00.35 — «Уддабурон Уокер: техасча одил суд». Сериал.
13.00 «Зена — жангчилар қироличаси». 3-серия (АҚШ).
13.45 Болалар учун мультфильм.
14.00, 18.00 — «Бугун кундузи».
14.20 Бизнинг кино. Андрей Миронов, Александр Ширвиндт, Михаил Державин «Қайиқдаги учовлон, итдан ташқари» комедиясида. 1 ва 2-сериялар.
16.35 Жаҳоннинг энг яхши циркларидан.
18.20 «Сезам кўчаси».
18.55 «Маски-шоу».
20.35 Футбол клуби.
21.00, 24.00 — «Бугун оқшомда».
21.40 Офарин! «Қўғирчоқлар».
21.50 Мультфильм.
22.00 Бизнинг кино. Леонид Гайдайнинг «Бриллиант қўл» комедияси.
01.25 «Синемания: ҳаммаси кино ҳақида».
02.05 Кино олами. Миу-Миу «Бадиий сўз устаси» фильмида (Франция).

ТВ МАРКАЗ

9.00 Хонадонингиз тинч бўлсин.
9.20 "Майса устида ялангоёқ" бадиий фильми.
10.35 Мультфильм.
11.20 "Доктор айболит" Бадиий фильм.
12.30 "Динки Дайс". Мультсериал (Австралия).
13.00 "Дик торпин" сериал.
13.25 Виртуаль дунё.
13.55, 17.55, 22.55 Янгиликлар.
14.00 "Пойтахт" тележурнали.
14.40 Аёллар тангоси" мелодрамаси.
16.10 Нуқтаи назар.
16.30 "Зита ва гита" бадиий фильм (Ҳиндистон).
19.30 Гўзаллик танлови ҳақида.
21.00 "Шоу давом этади".
1.10 Кечиккан кечки таом.
1.25 - 4.15 "Солярис" фильми.

СЕШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Бокира туйғулар».
9.40 «Олам ва одам».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Кичкинтойлар масканида».
10.25 Инглиз тили.
10.50 «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.05 «Қувноқ алдоқчи». Мультфильм.
12.15 «Излаган имкон топар...».
12.40—14.00 Кундузги сеанс. «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадиий фильм.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Кафолат».
18.40 Эстрада тароналари.
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у, аммо...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...»
21.30 «Акс-садо».
22.00 Диққат, премьера: «Мардикор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
23.00 «Пардали гап»
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.00 «Сеҳрли ўлка ҳақида ҳикоя». Британия.
19.20 Оҳанглар ва эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Янгиланиш».
20.10 «Онагинам».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Очун».
21.25 Кундалик.
21.35 «Спорт қитъаси».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ. «Джеймс Бонд — агент 007».

ЎзТВ III

18.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевиденияси.
7.30 — 9.00
18.20 — 21.40

21.40 «Нафосат олами». Телефильм.

Россия давлат телевиденияси.
22.00 — 22.30

22.35 «Муҳаббат ва ҳаёт». Бадиий фильм (Франция).
00.05—00.25 «Ахборот (рус).

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Ўйингоҳ».
20.50 «Мусиқий парча».
20.55 «Телефакт».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 «Қувноқ кино».
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

30-канал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Юлдузлар ёғилганда». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Мангу даъват». Тарихий драма. 11 ва 12-сериялар.
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал (Австралия).
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Ольшан қора қасри». Триллер. 1-серия.
15.25 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Манекенчилар жаннатда». Комедия.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 «Мангу даъват». Тарихий драма. 17-серия.
01.25 «Спорт-курьер».

КозТВ

6.30—8.00 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
17.00 «Ажойиб».
17.25 Мультфильм.
17.55 «Хит-парад».
18.05 «Молия олами».
18.10 Илмий-оммабоп фильм.
18.50 «Ютуқ» салони.
19.00 «Давр бўсағасида».
19.30 «Мусиқий салон».
20.00 «Даллас». Телесериал.
20.55 «Омонат».
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.50 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
22.10 «Верийск мавзесининг куйлари». Бадиий фильм.
23.40 «Ютуқ» салони.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 20.00, 01.45 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум мерос». Сериал.
10.00 «Сиҳат-саломатлик».
10.30 «Қулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
11.20 «Хонаки кутубхона».
11.30, 19.30 — «Куйини топинг». Телеўйин.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Наталья Тенякова «Яшил арава» фильмида.
15.20 Мультсериал.
15.55 «Бахтли тасодиф».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Георг Отс «Мистер Икс» фильмида.
23.30 Футбол шарҳи.
24.00 Кино чизғи. «Соч учун лак» комедияси.

РДТ

7.00 Мультсериал.
7.15 «Уйғон».
7.30 Ишбилармон Москва.
8.00, 00.15 — «Навбатчи қисм».
8.15, 03.55 — «Товарлар — почта орқали».
8.20 «Стронг» таништиради.
8.25 «Ён дафтарингизга».
8.30 «Пуллар».
8.45 «Графоман».
8.55 «Православ тақвими».
9.00 «Ҳайвонлар ҳақида мулоқот».
10.05, 20.45 — «Санта-Барбара».
11.00 «Қизил китоб». РДТнинг экологик экспедицияси.
11.25, 22.20 — «Петербург сирлари». Телесериал.
14.00, 17.00, 20.00, 23.30 — «Вести».
14.35 «Аёл». Телесериал премьераси (Италия).
15.30 «Кичик дайди». Болалар учун телесериал.
16.00 Мультфильм.
16.15 «Космодром». Телесериал (АҚШ).
17.35 «РДТ почтаси».
17.45 «Ле Монти» савдо уйи».
18.00 «Бир боқишда муҳаббат».
19.40 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал. 20-фильм — «Мақсад: Куба» (АҚШ).
20.10 «Нафи тегади».
20.20 «Криминал».
20.30 Футбол клуби.
21.00, 24.00 — «Бугун оқшомда».
21.40 «Шу куннинг қаҳрамони».
22.00 Кино олами. Чеви Чейз «Флетч» детективида (АҚШ).
01.40 «Сегоднячко».
02.15 «Бугун ярим тунда».
02.40 «Олтин граммофон». НТВ ва «Русское радио»нинг биргаликдаги мусиқий кўрсатуви.
02.50 «Оқшомлар». Ток-шоу.

ТВ МАРКАЗ

7.50 "Навигатор" Ахборот - кўнгил очиш дастури.
9.75 Навигатор.
10.45 Сизнинг шеригингиз.
10.55, 11.55, 13.55, 15.55, 16.45, 17.55, 18.55, 19.30, 22.50, 23.55, 2.40 Янгиликлар.
11.00 Мультфильм.
11.10 "Даррос" Тақдим этади.
11.25 "Ҳалос бўлиш учун алдов" телесериали.
12.25 "Орадан қанча йиллар ўтди" дастури.
12.50, 3.40 Булардан ташқари.
12.55 "Элита" хонимлар клуби.
13.10 Булут 9
14.00 "Савва Мамонтовнинг иши".
14.25, 3.20 Петровка, 38.
14.40 "Беринг ва унинг дўстлари ҳақида қисса" фильми.
16.30 Бизнинг ашула.
17.00 "Ўғирланган муҳаббат" сериали.
18.30 "Қунларнинг бирида қанотларимиз ўсиб чиқади" сериали.
19.40 Шунчаки люкс эмас.
19.50 "Хендерсанларнинг болалари" телесериали.
20.15-20.26 Ишбилармон Москва.
21.55 Шаҳарга юзланиб
22.25 Брейн-ринг.
0.15 Аслида
0.30 "Яхши йигитар - ёмон болалар" сериали.
1.30 Времечко.
2.45 Пресс-экспресс.
2.55 "Олий лига" ахборот-мусиқий дастури.
3.45 Тижорат калейдоскопи.

ЧОРШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Бастакор илҳоми».
8.55 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
9.15 «Ҳа-ҳа-ҳа». Ханда, ҳажвия, ҳангома.
9.40 «Жараён».

22.00 — 22.30
22.35 «Муртад». Бадиий фильм (АҚШ).
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 22.15 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.25 «Оҳанглар оғушида».
20.40 «Автосалтанат».
20.50 «Азизим».
21.15 «Нафосат гулшани».
21.45 «Дурдаршан».
22.20 «Олтин хазина». Ў. Умарбеков. «Қиёмат қарз» спектакли 2-қисм.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

30-канал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «МИХ». Дам олиш дастури.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Мангу даъват». Тарихий драма. 13 ва 14-сериялар.
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Ольшан қора қасри». Триллер. 2-серия.
15.25 «Хит-коктейль». Мусиқий дастур.
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 Глашанинг эртаклари.
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Алекс». Фантастик жангари фильм.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 «Мангу даъват». Тарихий драма. 18-серия.
01.25 «Спорт-курьер».

КозТВ

6.30—8.00 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
16.55 Ҳужжатли фильм.
17.25 Мультфильм.
18.05 «Молия олами».
18.20 Қозоғистон телевидениеси — 40 ёшда.
18.50 «Ютуқ» салони.
19.00 «Замин». Экологик альманах.
19.20 «Сифат».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
20.55 «Омонат».
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
21.50 Бадиий фильм.
23.15 «Ютуқ» салони.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.25 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум мерос». Сериал.
10.00 «Мавзу».
10.45 «Ҳайвонот оламида».
11.25 «Жентльмен-шоу».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Михаил Боярский «Д'Артаньян ва уч мушкетёр» фильмида. 1-серия.
14.35 Мультфильм.
15.20 Мультсериал.
15.45 «Қойилмақом давра».
16.15 «Чангалзорлар даъвати».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
19.30 Леонид Ярмольник «Олтин талвасаси» дастурида.
20.10 «Инсон ва қонун».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Арнольд Шварценеггер «Югураётган одам» жангари фильмида.
23.40 «Граф Толстойнинг бриллиантлари: французларга тақалади». Ҳужжатли детектив.

РДТ

7.00 Мультсериал.
7.15 «Уйғон».
7.30, 14.00, 17.00, 20.00, 23.30 — «Вести».
7.50, 15.55 — Мультфильм.
8.00, 00.15 — «Навбатчи қисм».
8.15, 01.25 — «Товарлар — почта орқали».
8.20 «Тиббиёт хабарномаси».
8.30 «Пуллар».
8.45 «Графоман».
8.55 «Православ тақвими».
9.05 «РДТ почтаси».
9.30 «СВ-шоу». Дам олиш кўрсатуви.
10.05, 20.45 — «Санта-Барбара».
11.30, 22.20 — «Петербург сирлари». Телесериал.
12.30 «Менинг оилам».
13.30 «Ҳамманинг оғзида». Наталья Дарьялова дастури.
14.35 «Аёл». Телесериал (Италия).
15.30 «Кичик дайди». Болалар учун телесериал.
16.15 «Космодром». Телесериал.
17.30 «Россия йўлларида».
17.45 «Кроссворд».
18.15 Андрей Болтнев «Жокер» фильмида.
20.30, 24.00 — «Тафсилотлар».
21.45 «Ўз-ўзига режиссер».
00.30 «Жонли коллекция».

ТВ-6

9.05, 14.45, 19.50 — «Севсанг — қара». Видеоклиплар.
9.15 Мультфильм.
9.35, 19.00, 01.55 — «Диск-канал».
10.00, 19.35, 02.40 — «Йўл назорати».
10.15, 16.15, 18.50 — «Дорихона».
10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 01.45 — «ТСН-6».
10.40 «Цептер» дориномалари.
10.45, 13.40 — «Сифат белгиси».
11.00, 20.55 — «Қуёшнинг учинчи сайёраси». Ҳажвий сериал. 6-серия.
11.25 «Янги Геркулес». 8-серия.
12.00, 15.45, 18.05 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
12.40, 22.55 — «Вавилон-5». 60-61-сериялар.
13.50 «Сиз — шоҳидсиз».
14.15 «ХХ асрнинг буюк сирлари ва афсоналари». Ҳужжатли сериал.
14.55 Артур Крупенининг ток-шоуси.
16.40 «ТВ-6» кинотеатри. Иван Переверзев «Биринчи қўлқоп» комедиясида.
20.00 «Кимки».
21.30 «Мен ўзим» ток-шоуси.
22.30 «Шу куннинг янгиликлари».
23.50 «ТВ-6» кинотеатри. Александр Михайлов «Эркаклар...» фильмида.
02.55—04.20 Тунги сеанс.

НТВ

8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00, 12.00 — «Бугун эрталаб».
11.05, 00.50 — «Уддабурон Уокер: техасча одил суд». Сериал.
12.15 «Полициячиларнинг оддий иш кунлари».
12.30 «Шу куннинг қаҳрамони галстуксиз».
13.00 «Мени тушун» телеўйини.
13.30 «Қўғирчоқлар».
13.40 «Муҳит». Экологик кўрсатув.
14.00, 16.00, 18.00 — «Бугун кундузи».
14.20 «Эски телевизор» эслайди: «ТАСС вакил қилинган...». 12-қисм.
16.20 Всеволд Шиловский, Роман Громадский, Юрий Дедович, Юрий Шликов, Эрнст Романов, Наталья Гундарева «Одесса жасорати» киноэпопеясида. 1-серия.
17.25 «Тўй». Муҳаббат тарихи.
18.30 «Сезам кўчаси».
18.50 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Сериал. 74-серия.
19.40 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал. 21-фильм — «Чучук қотил: аёллар билан бошни айланти-риб...»
20.10 «Нафи тегади».
20.20 «Криминал».
20.35 Футбол клуби.
21.00, 24.00 — «Бугун оқшомда».
21.40 «Шу куннинг қаҳрамони».
22.00 Чеви Чейз «Флетч тирик» детективида.
01.40 «Сегоднячко».
02.15 «Бугун ярим тунда».
02.40 Катталар учун мультфильмлар.

ТВ МАРКАЗ

7.50 "Навигатор", Ахборот-кўнгил очиш дастури.
9.15 Навигатор.
10.45 Ён дафтарча.
10.50 "Ле-Монти".
10.55, 11.55, 13.55, 15.55, 16.45, 17.55, 18.55, 19.30, 22.55, 23.55, 2.40 Янгиликлар.
11.00, 20.15 Ишбилармон Москва.
11.10, 19.40, 3.30 Тижорат калейдоскопи.
11.25 "Халос бўлиш учун алдов" телесериали.
12.25 Булардан ташқари.
12.30 Ажойиб кун!.
12.55 Брейн-ринг.
14.00 21-хона.
14.25, 1.15 Петровка, 38.
14.40 "Владивосток. 1918 йил бадиий фильм.
16.10 Борис Ноткин галереяси.
17.00 "Ўғирланган муҳаббат" сериали.
18.30 "Қунларнинг бирида қанотларимиз ўсиб чиқади" сериали.
19.50 "Хендерсенларнинг болалари" телесериали.
Америка компанияси Ўзбекистон автомашиналарининг «Саргузаштлар соати» сериалини суратга олишда иштирок этишларидан ташқари, «Ўзавтосаноат»га чинакам оламшумул дастурни ҳам таклиф этди. Унинг моҳияти қуйидагича: «Ўзавтосаноат»да дунёнинг энг қийин йўлларида олам бўйлаб саёҳат қилишга яроқли янги алоҳида автомобиль яратилади. Ўзбекистон Республикаси давлат автомобили саргузатшлари» деб номланувчи икки серияли тўла ҳажмли телевизион фильмни яратаётган махсус ижодкорлар гуруҳини олиб юриш воситаси бўлади. Айнан мана шу машина 2000 йили Сиднейдаги Олимпия қишлоғига ўйинлар бошланадиган кунда етиб бориши лозим.

IPV News USA Олимпия телевидениесига, «Ўзавтосаноат»нинг амалий манфаатдорлиги бўлган мамлакатларнинг йирик телестудияларига намойиш этиш учун бу фильмни беришга тайёр.

«Ўзбекистон» автомобили ўнлаб мамлакатлар ҳудудини кесиб ўтишидан мақсад америкалик продюссерларнинг ният ва режаларини амалга оширишдангина иборат бўлиб қолмай, балки бу ерларда қуёшли ўлканинг халқ рассомлари ва ҳунармандлари ижодкорининг йирик кўргазмаларини ташкил этиш, ўзбек халкининг маданияти ва тарихи билан таништиришдан ҳам иборатдир.

Дастурга кўра БМТ Нью-Йоркдаги бош биносида кўргазма очиш кўзда тутилган.

IPV News USA Янги йилдан олдинроқ юқори бўғинидаги менежерлардан иборат ўз вакилларини Тошкентга юборган эди.

Бироқ «Ўзавтосаноат» қарор қабул қилиш муддатини тезлаштирса яхши бўларди, чунки матбуотдан маълум бўлишича, IPV News USA Япония ва Америка автомобиль фирмалари билан уларнинг янги моделдаги машиналарининг «Саргузаштлар соати» дастурида иштирок этишлари ва бу автомобиллардан бирининг Австралиядаги Олимпиадага етиб келиши юзасидан музокаралар олиб бораётир. Шу нарса ҳам диққатга сазоворки, Россия Федерациясида нашр этилаётган «Фаэтон» автомобиль журналининг муқоваларидан бирида Японияннинг «ISUZU» фирмаси ишлаб чиқарган, ҳар қандай йўлларда юра оладиган янги машинанинг реклама сурати босилиб чиқди.

Лекин шунга қарамай, Тошкентга келган америкалик делегатлар масалани узил-кесил ҳал қилиш учун музокаралар олиб боришга тайёр эканликларини билдиришди. Чунки бу масаланинг ижобий ва тезда ҳал қилиниши иккала томонга ҳам манфаат келтиради. Шунинг учун музокараларнинг тез ва муваффақиятли якунланишига тилакдошмиз.

В. ВАСИЛЬЕВ,
(«Труд» газетасининг 1998 йил, 10 февраль сонидан олинди).

АҚЛИ КЎП ҚИЗ

Бир хотин иккинчи хотинга ўтиб кетаётган қизни кўрсатиб:

- Вой, овсин, шу қизнинг ақли жуда кўп ,- деди.

- Сиз қаёқдан биласиз?- қизиқди иккинчи хотин.

- Жуда яхши биламан, маҳалладаги ҳамма йигитларнинг ақлини ўғирлаб қўйган,- деди.

•

ОҒЗИНГ ҚАЕРДА?

Бир куни лип этиб, чироқ ўчиб қолди. Кроватда ётган 3 ёшлик Муқаддас:

- Ада, чанқаб кетдим, сув! - деди.

Қоронғида чойнакдан пиёлага совуқ чой қуйиб, олиб бориб:

- Муқаддас оғзинг қаерда? - деб сўради отаси.

- Ада, оғзим бурнимнинг ёнида... деб жавоб берди Муқаддас.

Аёллар, аёллар...

БУЮК ИҚТИДОР ЭГАСИ

Ҳиндистонлик Шакунтала Деви исмли қиз 1980 йил 18 июнь куни Лондон коллежининг ҳисоблаш машиналари бўлими ходимлари томонидан берилган 13 хонали рақамни бир-бирига кўпайтирди - (7686 369 774 870x2 465 099 745 779). Орадан 28 секунд ўтгач, у ҳосил бўлган сонни айтди - 18 947 668 177995 426 775 730.

Орадан кўп ўтмай Шакунтала Деви ўзининг энг мураккаб ҳисоб амалларини мияда ҳал этишдек ақл бовар қилмас иқтидори сабабларига ойдинлик киритувчи китобини чоп этди.

БЕҲАЗИЛ ГАП

Эроннинг Жуман қишлоғида яшовчи 108 ёшли Элиас Хушмандий ўтган йили 20 ёшли қизга уйланди. Унинг айтишича, қиз Элиас бобони яхши кўраркан. Бобонинг беш ўғли ва 50 га яқин невара ҳамда чеваралари борлиги никоҳга ҳалақит бермабди. Бобо соғлом ва бакувват эмиш.

АНА ШУНАҚА

Америкалик Карла Дорри коллежда ўқиб юрган пайтида бир чет эллик талабага турмушга чиқади. Сўнгра эрининг ватани Сингапурга кўчиб кетади. Орадан кўп ўтмай улар ажралишади ва Карла юртига пулсизликдан қайта олмай, ўша ерда қолиб кетади. Бир кун кечқурун ўзи ишлайдиган бардан уйига қайтаркан, сигарет қолдиғини йўлкага ташлайди. Қутилмаганда полициячи шартта ушлаб, юзига шапалоқ уради ва сигарет қолдиғини олишни буюради. Карла эса бўш келмай, жаҳл билан «Ўзинг ол», дейди. Кейин у ўзини 12 та аёл ўтирган тор камерада кўради. Уни уч кундан кейин сўроқ қиладилар. Аёл ўзини оқлашга уринади, бироқ уни саккиз таёқ уришга ҳукм чиқарадилар. Хонада олти киши, иккитаси эркак эди. Айбдорни боғлаб, белидан пастини ечишади. Ҳўл пальма таёқ ялангоч баданига урилади. Карла чинқира бошлайди. Учинчи таёқдан ғужанак бўлади. Оёқларидан қон оқаётганини сезади. Олтинчи таёқдан кейин ҳушидан кетади...

Сигарет қолдиғини ерга ташлаш ана шундай оқибатларга олиб келди.

УНУТИЛАЁТГАН ОДАТЛАР

Кишилар орасидаги ўзаро маданий муомалага оид айрим иборалар борки, уларни ўз ўрнида қўллаш кайфиятни яхшилайди ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди. Масалан, бирор кишига сўзлашдан олдин «Сизни кўрганимдан хурсандман», узоқроқ кўрмаган танишингиз учраганда эса «Сиздан уятлиман, хабарлаша олмаётганим учун» деб узрли гапларни қўллаш маданий муомала сирларидан биридир.

Томдан тараша тушгандай гап бошлашдан олдин «Нима десам экан...», «Очиғини айтганда...», суҳбатдош сўзини тасдиқлаш учун ҳа деб бош қимирлатавермай (бу бошқалар ғашини келтиради), «Ҳа, сиз ҳақсиз» каби кириш гап-сўзлардан сўнг ўйлаб қўйилган фикрингизни ётиғи билан айтсангиз ишингиз юришиб кетади, ўзаро илиқлик таъминланади. Шундан сўнг суҳбатдошингиздан садо чиқишини кутиб, оғзига тикилиб туринг. Гапингизни улаб кетса олам гулистон.

Яна унутилиб кетаётган сўз-гаплардан бири «Илоё, мингга кириг..», «Барака топкур..» кабиларни қўллаш ҳам кайфиятни яхшилайди.

Ёмон, дағал, жаҳл билан сўзлайдиганларнинг иши ҳамиша орқага, ўзини тута оладиган, оғир, мулойим сўзлайдиган яхшиларнинг иши эса ҳамиша олдинга силжийверади.

Киши дилидагисини тили ошкора қилади. Шу туфайли тил - дил посбони дейилади. Посбон - тилингизни, қалбингизни балоофатлардан асровчигина эмас, ҳатто бахт-саодатга етакловчи ҳамдир.

Оқил киши жоҳил билан, ҳушёр киши маст билан асло тортишмайди, беҳуда гап-сўзларнинг олдини олади.

Ҳуллас, кишининг кўнгли гулдан нозиқ, тошдан қаттиқ. Шунга асосланиб иш тутсангиз кам бўлмайсиз. Тилингда бўлса болинг, кулиб турар иқболинг, деб бежиз айтилмаган.

Б.ТУРДИЕВ.

«ПОЛЯНТЕ» КИЧИК НОВВОЙХОНАСИНИНГ СЕРТАЪМ НОНЛАРИ

«Ишонч»нинг ўтган йилги сўнгги 152-сонида Полянте Свешниковнинг «Ўзбекистон бозоридаги энг яхши новвойхона» деган мақоласини эълон қилган эдик. Кичик новвойхоналар ихтирочиси бўлмиш бу муаллиф ўз мақоласида инсоннинг кундалик истеъмоли учун энг зарур саналмиш нонни ёпиб эл дастурхонига етказиб беришдек муҳим ишга улкан корхоналар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари қатори «ПГС» хусусий тижорат ишлаб чиқариш корхонаси яратган турли қувватдаги кичик новвойхоналар ҳам муносиб ҳисса қўшаётганлигини, улар хусусий корхоналар, кичик ва ўрта бизнеслар, ташкилот ва фирмаларнинг корига яраётганлигини тавсифлаб берган эди.

«ПГС» фирмаси кичик новвойхоналарини машҳур немис кичик новвойхоналарига таққослаганда «Полянте»нинг қуввати 1,4 марта ортиқ бўлиб, нон пиширишда 25 фоиз вақтдан ютилади. Эгаллайдиган майдон ҳам уч марта кам, бир килограмм нонни пиширишга 40 фоиз кам электр қуввати сарфланади.

«Полянте» кичик новвойхонасининг баҳоси ҳам 5-7 баробар арзон.

011 моделидаги соатига 80 дона, суткасига бир тонна нон пиширадиган хилининг нархи 262 минг сўм туради.

Энг асосийси мазкур кичик новвойхоналарда ёпилган нонлар сертаъмлиги билан халққа манзур бўлмоқда.

Биз «ПГС» фирмаси новвойхоналарини сотиб олиб ишлатаётган хусусий корхоналар, фирма ва ошхоналар, ташкилот ва шифохоналарнинг мутасадди раҳбарлари билан суҳбатлашдик.

Иймон ва эътиқодли Абдулла ака ўз фирмаси учун «ПГС» фирмасидан сотиб олиб ишлатаётган кичик нонвойхонасида ёпилаётган новлардан истеъмолчилар ўта мамнун. Бу киши кам таъминланган ва кўп болали оилаларга нонни арзон нархда сотади. Унинг фирмасида нонинг «Муаттар» деган янги тўйимли, ҳатто шифобахш хилини ёпиш ўзлаштирилди.

Ҳозирда республикада тайёрланаётган нонлар оқсил моддасига унча бой эмас. Оқсил эса киши организми учун, айниқса болаларнинг соғлом ўсиши учун жуда зарур. Буни ҳисобга олган «Абдулла Тожибой ўғли» фирмаси ходимлари маҳаллий ўсимлик хомашёсидан оқсил олиш усулини яратдилар ва буни нон пиширишда қўлладилар. Бу тусда ёпилган нонда бошқа хил нонларга нисбатан инсон организми учун фойдали бўлган протеин моддаси 20-30 фоиз, глютамин кислотаси 6,6 марта, лизина 1,6 баробар кўп бўлаяпти.

Абдулла аканинг янги хил нони «Полянте» кичик нонвойхонасида ўрнатилган махсус сопол трубадан тараладиган ультрабинафша нурлардан эмиб сингиб пишади. Юзаси сап-сариқ олтиндай, дил тортар, сертаъм, ўта мазалидир.

- Бу ихчам нонвойхоналарни яратган йигитларга балли-е,-дейди Абдулла ака биз билан суҳбатда, - худди биз нонвойларнинг дилимиздаги ускуналарни бунёд этишган. Уларни ишлатиш ҳам осон. Бир нечтасига икки кишигина хизмат қилади. Кўп жойни эгалламайди.

«Полянте» кичик новвойхонаси В.Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий марказининг ошхонасига ҳам ўрнатилган. Бош ошпаз Баҳромжон Нурматов бундай дейди:

— «ПГС» фирмаси новвойхонаси тез қизийди, электр қувватини кам сарфлайди. Махсус бўлимига қуйилган сув зарур бўлган намликни сақлаб туради. «Полянте»да биз пирожкалар, сомсалар, пархез тефтелилар ҳам пиширяпмиз».

Б.Нурматовнинг фикрини парҳезшунос С.Т.Олимжонова ҳам тасдиқлади. Унинг айтишича, кичик новвойхонада парҳез таомларни пиширишнинг анча қулай ва ўнғай экан.

Тошкентдаги 2-нон заводи директорининг ўринбосари Равшан Ашуровнинг фикри:

«Полянте» кичик новвойхонасига соатига 6 киловатт электр қуввати сарфланади, бошқа шу турдагиларга эса 25-30 киловатт сарф этилади. Бу жиҳатдан «ПГС» фирмаси маҳсулоти тежамкор. Унинг ҳар бир қолипига 670 грамм хамир солинса 620 граммлик буханка нон пишиб чиқади. У жуда мазали.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, нонинг пиширилишида ҳам гап кўп экан. Ҳали ҳам айрим нон дўконларида сифатсиз пиширилган нонлар корхоналарга қайтариб юборилиш ҳоллари учраб туради. Гоҳида истеъмол қилинган нонинг таъми суст, тўйимсиз бўлади. Бу албатта новвойнинг маҳоратига ҳам боғлиқ. Нонни қойил мақом қилиб ёпган новвойнинг отасига балли! У нонни шифобахш қилиб юборади. Нонда киши организми учун зарур бўлган юзга яқин, жумладан оқсил, углевод, витаминлар, калий, магний, темир, натрий каби моддалар мавжуд бўлиши керак.

«Полянте» новвойхоналарида ёпилган нон маҳсулотларининг элга манзурлиги айнан унинг мазалиги ва тўйимлилигидадир. Шунинг учун ҳам фирма новвойхоналарига талаб кучаймоқда.

Арзон, ҳар томонлама қулай, тежамли «Полянте» новвойхоналари савдо шаҳобчаларида, бозор ва гўзарларда, дам олиш уйлари, шифохона ва пансионатларда ишлатишга жуда қўл келади.

«ПГС» фирмаси кичик новвойхоналарига қизиқувчиларга корхона жойлашган манзилни эслатиб ўтамиз:

700081, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси 29-уй, С.Раҳимов метро бекати, «Восток» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси биноси. Телефонлар: (3712) 79-14-29, 79-38-54

Тожибой АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

САРАЛОВЧИ

Ишдан қайтгач, газета-журналларга кўз ташлаш ҳар кимга ҳам севимли одат. Матбуот нашрлари орқали дунё воқеаларидан юртимизда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўламиз. Шунда хонадонимизга газета-журналларнинг ўз вақтида етиб келишида алоқа бўлими ходимларининг хизмати катта эканлигини ёдга оламиз. Матбуот тарқатувчилар эса йилнинг ҳар қандай шароитида сизу биз обуна бўлган газета ва журналларни хонадонимизга ўз вақтида етказишга ҳаракат қиладилар.

Қумри Абдуқодирова Зомин тумани алоқа тармоғининг саралаш бўлимида меҳнат қилади. Ташкилот ва хонадонларга тарқатиладиган ҳар бир газета-журнал унинг қўлидан бирма-бир ўтади. Қумри ўз севган касбида салкам йигирма йилдан буён меҳнат қилмоқда. У ўзининг ана шу оддий касби билан ҳамиша фахрланади.

- Кейинги пайтда «Оила ва жамият», «Ишонч», «Саодат» каби газета-журналларни севиб мутолаа қиламан,-дейди суҳбатда Қ.Абдуқодирова.- Бу нашрларда оила мавзусига алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам унга ёзилиш истагида бўлаётган обуначилар сафи тобора кўпаймоқда. Бу нашрларнинг янада оммалашиб бораётганлигининг сабабларидан бири хотин-қизлар мавзуси ҳам қизиқарли ёритилади.

Ҳа, Қумри деярли ҳар куни газета-журналларни саралайди. Бу ишда у асло зерикмайди. Аксинча, замондошларимизни ранг-баранг ахборотлардан хабардор қилишга ҳисса қўшаётганлигидан ғурурланади. Ана шу ғурур ва ўз касбингга бўлган садоқат асло сизни тарк этмасин деймиз Қумрига.

Алоқа бўлими раҳбарияти ва ходимлари Қумрини қаттиқ ҳурмат қилишади. Сабаби, у ниҳоятда тартибли ва интизомли ишчи. Ўзининг самарали меҳнати учун маъмуриятнинг қатор раҳматномаларига сазовор бўлган. Шунинг учун ҳам ҳамма уни «жамоамиз фахри» деб эъзозлашади.

А.СОДИҚОВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистон миллий яраш комиссиясининг раиси Саид Абдулло Нурий кейинги кунларда республикадаги вазият хусусида баёнот эълон қилди. Баёнотда у мухолифат лидерларидан бири Хожиакбар Тўражонзода Ватанига қайтганига бир ҳафта бўлганига қарамай уни иши ҳақидаги Президентнинг фармони эълон қилинмаганлигини билдирган. Ҳолбуки, ўзаро келишувга мувофиқ Тўражонзодага вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи муовини вазифаси берилиши лозим эди. Нурий таъкидлашича, бу ҳол республикадаги вазиятни кескинлаштириши мумкин.

* * *

Саид Абдулло Нурийнинг юқоридаги баёноти тўғрисида Тожикистон Президенти И.Рахмоновнинг матбуот котиби Зафар Саидов тўхталиб, Президент кейинги вақтда жуда банд эканлигини, бунинг устига Тўражонзоданинг ҳужжатлари ҳали Президент маҳкамасига келмаганлигини айтган.

* * *

Туркия мудофаа вазири Исмоил Қорадоғли Қозоғистонга келган ва республика мудофаа вазири Мухтор Олтинбоев билан учрашган. Иккала вазир мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасидаги алоқалар, шунингдек Марказий Осиё ҳарбий батальонининг ўқув машқларида Туркия вакилларининг иштирок этиши масаласи хусусида муҳокама юритганлар.

* * *

Қозоғистонда республикада иш олиб борган инглиз фукароси бўлган тадбиркор Кевард Ричард де Солмис иши юзасидан олиб борилган суд жараёни тугади. Суд уни 1995-1996 йиллар мобайнида қилган фойдасидан 4 млн. доллар ҳажмида солиқ тўламаганликда айблаб, уни 5,5 млн. доллар жарима тўлаши ва тўрт йил мобайнида тадбиркорлик билан шуғулланмаслиги ҳақида ҳукм чиқарди. Бу ҳақда айбдор унинг фирмаси воситачи бўлганлигини, молни сотиб фойда кўрган томон яъни Қозоғистондаги фирмалар солиқ тўлаши лозимлигини билдирган.

Паркентлик Садоқат Жўрабоева Тошкент вилояти бўйича «Энг ибратли келин» кўриги ғолиби бўлди.
Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ОИЛАНИ АСРАНГ, ЭРКАКЛАР

Айтмоқчи эмасман
панду ўгитлар,
Ўзингиз доносиз
виждони бутлар.
Эътиқоди баланд,
лочин бургутлар,
Диёнатни ёқланг,
эркаклар.

Дўппили, белбоғли
ўзбек алплари,
Алпомиш келбатли,
жўшқин қалблари.
Қудрати беқиёс,
юксак таъблари,
Оилани сақланг,
эркаклар.

Фариштадир
аёлларингиз,
Бузманг асло
ҳаёлларингиз.
Баланд бўлсин
амолларингиз,
Бегонага боқманг,
эркаклар.

Оила гулшандир,
боғбони сизсиз
Қуёшли, юлдузли
осмони сизсиз.
Доимо меҳрибон
посбони сизсиз,
Бурчингизни оқланг,
эркаклар.

Оила муқаддас, буюк
маъводир,
Усиз дунё маҳзун,
хароб адодир.
Оила шаънига
жонлар фидодир,
Оилани асранг,
эркаклар.

Садоқат ФАЙЗИЕВА.

НАВРЎЗ НАФАСИ

Наврўз - Яқин Шарқ ва Марказий Осиё халқлари томонидан қадим-қадимдан кўзларга нур, дилларга сурур бағишловчи нурафшон байрам сифатида эъзозланади. Наврўзнинг замирида кўркамлик, инсонлараро мурувват, биродарлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлиш ҳислатлари мужассамдир. Одамларда Ватанга, она ерга, табиатга, умуман бутун борлиққа меҳр-муҳаббат Наврўзда яна ҳам камолат касб этади. Тинч яшашга, яхшилик дунёсини барпо этишга, давлатлараро қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга бўлган иштиёқ ҳам авж палласига кўтарилиши табиий.

Мамлакатимизда мустақиллик туфайли барча ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-маданий жабҳаларда улкан ўзгаришлар содир бўлаётганлигининг гувоҳимиз. Агар Мустақиллик йилларида республикамиз ташлаган одимга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда демократик, ижтимоий адолат принципларига асосланган жамият қуриш бўйича анчагина ишлар қилинганига ва қилинаётганини кўрамиз.

Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллати динидан қатъий назар, Республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга мансубдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидаси рўёбга чиқарилмоқда. Уларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устиворлик кўрсатилмоқда. Ватанимиз жаҳон иқтисодиёти, сиёсати, санъати, маданияти ва бошқа соҳаларда муносиб ўрнини олмоқда. Табиийки буларнинг барчаси инсон дилини қувонтирадиган ўзгаришлардир.

Ҳар йилдагидек, бу йил ҳам Наврўз байрамига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда халқ сайиллари, маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтади. Кўп болали оилаларни, уруш ва меҳнат фахрийларини тақдирлаш, қариялар, ногиронлар, ёлғизларнинг холидан хабар олиш ва уларга ёрдам уюштириш, кўчат ўтқазиш, қардошлик хиёбонлари, қишлоқ маданият марказларини бунёд этишдек шарафли ишлар амалга оширилади.

Халқ хунармандлари ва ҳаваскорлик бадиий асарларининг кўргазма-савдоси, шеърият кечалари, ўзбек ва қардош халқлар назми, мусиқаси, халқ ижодиёти лаҳзалари, санъат усталарининг ижодкор ёшларнинг концертлари, мусиқали-театрлаштирилган ва мусиқали-спорт ўйинлари ўтказилади.

Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятлари ҳокимиятларининг қарорлари асосан бу йилги Наврўз байрами олдидан жойларда хашарлар ўтказилади. Янги боғлар, гузарлар, маданият марказлари барпо этилади. Ариқлар, тозаланади, барча жамоатчилик жойлари тартибга келтирилиб, таъмирланиш ишлари амалга оширилади.

Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятларда чорвадорларга, ўрмончиларга шунингдек туман марказларидан олисларда ўз хизмат вазифаларини бажараётган барча меҳнаткашларга «Наврўз-98» махсус маданият гуруҳлари, 400 дан зиёд автоклуб хизматда бўлади.

Байрам тантаналарида 25 дан ортиқ халқ дорбозлар гуруҳи, аскиячи-қизиқчилар, масҳарабозлар, полвонлар, бахши-шоирлар, бадиий сўз усталарининг иштирок этишлари ҳам режалаштирилган. «Ўзбекистон Ватаним мани» қўшиқ кўрик-танловининг совриндорлари ва бошқа халқ анъаналарини тараннум этувчи кўрик, фестивалларнинг қатнашчилари ҳам байрамда бел боғлаб маданий хизмат қиладилар. «Халқ бадиий ҳаваскорлик жамоаси» ва «Намунали бадиий ҳаваскорлик жамоаси» махсус маданий дастурлар тайёрлашмоқда. Улар орасида Тошкент вилояти Зангиота тумани маданият бўлими қошидаги «Ҳосил» халқ мақом дастаси, Фарғона вилояти Қува тумани маданият уйи қошидаги «Анор» ашула ва рақс ансамбли «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Ширин» маданият саройининг ҳаваскорлик академик хори, Ўзбекистон металлургия заводи маданият саройининг «Шодиёна» Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг «Феруза» болалар рақс дастаси ва кўплаб бошқа бадиий жамоалар бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги 400 дан зиёд маданият саройлари ва клубларида ўзбек кино ижодкорларининг халқ урф-одатлари ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий ҳамда ҳужжатли фильмлари намойиш этилади.

Барча вилоятларда «Ассалом, Наврўз» театрлаштирилган томошалар, «Сумалак сайллари» бадиий жамоаларнинг хайрия концертлари ташкил этилади. Уларда таниқли адабиёт ва санъат арбоблари, вилоят халқ театрларининг жамоалари ҳаваскорлик гуруҳлари, санъат ва маданият ўрта махсус ўқув юртларининг талаба ҳамда устозлари қатнашадилар. Болалар бадиий ижодиёти республика маркази жамоаси ҳаваскорлар ижодий кўргазмаси ҳамда сумалак сайли ўтказишни режалаштирган. Чунончи Тошкент шаҳри ва Миробод туман ҳокимиятилари билан биргаликда Алишер Навоий номидаги катта театр майдонида, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев бошчилигида кичкинтойлар ижод намуналаридан ким ошди савдо кўргазмаси ва «Асфальтдаги тасвир» танлови ўтказилади.

Байрам олдида аҳолига маданий-маърифий хизмат кўрсатувчи воситаларнинг яна бир муҳим тури - кутубхоналардир. Жойларда китобхонлар учун қатор тадбирлар ўтказилиши мўлжалланган. «Наврўзинг муборак, она диёрим»,»Юртим, ҳар кунинг наврўз бўлсин!» каби мавзуларда кечалар, адабий-мусиқий кўринишлар, китоб кўргазмалари, давра суҳбатлари, топқирлик беллашувлари уюштирилади.

Наврўз байрами ҳамда сумалак тарихи, миллий урф-одатлар, жойларнинг ўзига хос миллий анъаналари юзасидан шарҳлар, давра суҳбатлари, «Балли қизлар» кўрик-танловлари ташкил этилади. Наврўз таомлари, айниқса сумалак, кўк сомса, чучвара ва бошқа тансиқ таомлар тарқатилади.

Албатта Наврўз тантаналарида Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар вакиллари ҳам иштирок этади. Қисқаси маданият ва санъат муассасалари ходимлари Наврўз кунлари халқ хизматида бўлиб, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишади.

Рустам ХЎЖАЕВ,
Доцент.

Ёднома

ФИДОЙИ

Бир донишманддан «Бу дунёда энг мушкул иш нима?» деб сўраганларида, ул зот чуқур хўрсиниб «Чин дўст топиш» деб жавоб берган эканлар. Лекин, чин дўст ҳақида «У менинг чин дўстим эди...» деб ёзишдан ҳам оғир вазифа йўқ. Бундай сатрларни битишга мажбур бўлганингизда, демакки, чин дўстим деганинг чин чиқмаган, йўллар айро тушган бўлади ё...

Хўжамурод Қўлдошев кўп ҳамкасбларимиз учун чин дўст эди. Дўстга хиёнат қилишни билмайдиган, дўст учун жонини ҳам қурбон қилишга тайёр, битта нон, бир шиша сув топса ногаҳоний таниш билан бўлса-да, ичмаса кўнгли ўрнига тушмайдиганлардан эди. Мулғомбирлик нима, қувлик нима - билмасди. Кўнглида борини аямасдан айтиб кетаверар, лекин, ажабки, унинг шартакилиги ҳеч кимнинг кўнглига оғир ботмасди.

Ишдан чарчаганда, ҳаёт таш вишлари гоҳо толиқтирганда кўплар болишни ўмровга тортиб дам олади,»ҳе, бугун бўлмаса эртага-да» дейди-да ишни тўхтатади. Хўжамурод ишлаб чарчамайдиган, чарчадим дейишга ўрганмаган, тани билан газетага мақола ёзиб,таржима қилиб кўзлари ҳорғин тортиб турганида ҳам биров «Кетдик» деса, бажо дейдиганлар хилидан эди. Чарчоғини ёзишнинг антиқа йўлини ўйлаб топганди. Уйига кунда, кунора гуррас-гуррас меҳмон чақирар, топган-тутганини аямай олдига қўяр, меҳмон роса мириқса дўстимизнинг чеҳраси ёришиб, афтидан чарчоғи ҳам чиқиб кетарди.

Хўжамурод турмуш ўртоғи билан ҳозирги «Овози тожик» газетасида ишлар, ҳар икки ижодкор бир-бирларига шунақа мос эдиларки, бирлари Бухорои шарифда, иккинчилари Фарғонанинг Риштонида туғилишган бўлса-да, бизлар аҳилликлари, иноқликларини кўриб, ҳавасимиз келиб, булар асли бир-бирлари учун туғилишган деяр эдик.

Энди айтса бўлаверади. Ижодкорлар оиласининг ҳам ўзига яраша нозик томонлари бўлади. Илҳом келиб турганда, ё келмай иккитасўзни бир-бирига қовуштира олмай турганингизда ортиқча битта йўтал ҳам кайфиятни бузади. Аммо бу оилада бошқа оилаларда содир бўлса анча-мунча нари-бериларга сабаб бўлиши мумкин бўлган «воқеа-ҳодиса»лар ҳам юмор билан ўтиб кетаверар, араз-дараз, тумтайиш-сумтайиш деган нарсалар улардан анча йироқ эди.

Қассобнинг кўзига ёғ, дурадгорнинг кўзига тўсин кўринганидек, Хўжамурод ҳаётга ҳаётбахш кўз билан қарар, кўплар кўрмаган, сезмаган нарсаларни кўрар, англар ва... дарҳол ўтириб қоғозга туширар эди. Унинг ҳажвияларида халқона бир соддалик, равонлик бор эди.

Хўжамурод ҳаммага ишонч кўзи билан қарарди, ҳаммани дўст, қадрдон деб биларди. Эҳтимол, бу унинг орзуси эди,- ҳамма аслида ҳам шундай бўлишини истарди, келинглар, шунга интилайлик, ҳаракат қилайлик, дегандай иш тутарди. Шунинг учунми, ноғаҳонда учрашиб қолган киши билан ҳам дўстлашиб, улфатчилик қилиб кетаверар, шундай одамларнинг-да иззатини жойига қўяр, биров бир нима сўраса йўқ демай, ўзида бўлмаса бошқа бировлардан олиб бўлсада ҳожатини чиқарарди. Унинг бу хислатлари гоҳо ўзи учун жуда қимматга тушар, аммо Хўжамурод барибир ишонч руҳидан қайтмасди.

Хўжамуроднинг қалами фақат ҳажвда эмас, бадиий асарларда ҳам анча чархланиб қолганди. Унинг турли йилларда ёзилган дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, оқибат мавзуидаги ҳикояларини ўқир эканман, вужудимни бир иштироб чулғайди - тўплаб нашр қилинса бемалол бўлаверадиган, ҳамон моҳиятини йўқотмаган ҳикоялар... Бу тўғрида у билан кўп гаплашган эдик. Ҳаракатимиз ҳам бор эди. Аммо Хўжамурод «Шошилиб нима қиламан, ёзаверайчи, қариганда чиқарарман» дея тиним билмай ёзарди.

Афсуски, умри қисқа экан. Умр йўлдоши Шодмоной Ҳожибовна билан беш болани тарбиялаб воягa етказишди ва ноғаҳонда ҳаммамизни доғда қолдириб, туғилиб ўсган Бухорои шарифга... кетди.

Гарчи у орамизда бўлмаса-да, қувноқ даврларимизда, ҳазилу мутойибаларимизда, ўй-ҳаёлларимизда ҳамиша бор, ҳамиша биз билан. Дўстимиз ҳаёт бўлганида бугун албатта ҳаммамизни йиғиб, «Мана, биз ҳам элликбой бўлиб қолдик» дея дастурхонни катта ёзиб, қалбини тўкиб солар, қизиқ-қизиқ ҳангомаларидан айтиб, кайфиятимизни кўтарган бўларди.

Ҳаётдан завқланиб яшаш, меҳнатсеварлик, дўстга садоқат ва яна қанча фазилатлар дўстимиздан бизга мерос бўлиб қолди.

Ахмаджон МЕЛИБОЕВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Энига: 4. Алишер Навоий қаламига мансуб «Сабъайи сайёр» достонидаги жасоратли, мушфиқ аёл сиймоси. 5. «Шашмақом»нинг мусиқа қисми таркибидаги куй. 6.Пардоз бўёғи тайёрланадиган этдор манзарали ўсимлик, гул. 8. Ўзбекистон халқ шоираси, журналист. 9. Тақинчоқ, зийнат буюми. 12. Аёлларнинг ёзлик кўйлаги. 13. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидан бири. 14. Ҳотиржамлик эришадиган роҳат, ҳузур. 16. Истеъдодли мумтоз ўзбек шоираси, давлат арбобининг таҳаллусларидан бири.

Бўйига: 1. Мақолдан:»Ақл-ёшдан,...?... бошдан». 2. Таниқли, ёш хонанда Достон Убайдуллаев ижросидаги қувноқ қўшқлардан бири. 3. Устоз санъаткор, ўзбек балети устаси. 7. Таниқли ўзбек шоираси Зулфия сазовор бўлган халқаро мукофот. 10.Гўзал аёлларга хос ёқимлилик. 11. Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романи қаҳрамони. 15. Ўзаро дўстона муносабатда бўлган, аҳил.



Муаммонома

Аввал қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1.XIX асрда яшаб, ижод этган ўзбек мумтоз шоираси - 13, 4, 2, 8.

2. Манзарали ўсимлик, аёллар учун қадрли тортиқлардан бири - 3,8,12.

3. Газламага тикиб туширилган безак - 10,9,14,6,9.

4. Аёллар одобига хос, шарм ҳаё - 1,13,4.

5. Денгиз жонивори чиғаноғидан тайёрланадиган ранг-баранг товланиб турувчи ялтироқ модда - 5,9,7,9,11.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқичдаги жаволар асосида тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этиг. Уни йўналиш бўйича ўқиш билан ибратли ўзбек халқ мақолларидан бирини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ.

МУАЙ-ТАЙ

Яккакурашнинг муайтай тури сўнгги икки йилда мамлакатимизда кенг ривожланди ва айнан шу тур бўйича барча ўтказилган Осиё ва Жаҳон чемпионати, халқаро турнир ва «Қирол кубоги» беллашувларида терма жамоамиз вакиллари таиландлик спортчилардан сўнг иккинчи ўринни эгаллашди. Ўтказилган барча мусобақаларнинг якунига кўра Республика муай-тай Федерацияси Президенти Замирбек Қосимбеков Жаҳон тайбокс Федерациясининг вице-президенти этиб тайинланди. Энди терма жамоамиз вакиллари бемалол Япония, Корея, Америка, Малайзиялик спортчиларни мамлакатимизга таклиф этишлари ва ўртоқлик учрашувларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Самарқандда ёшлар ўртасида чемпионат ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Уч кун давом этган қизиқарли ва муросасиз беллашув натижасига кўра ўз вазнларида Норматов, Болтаев, Кайназаров, Абдураҳмонов, Пардаев, Ғуломов, Тожибоевлар биринчи ўринни эгаллаган бўлсалар, Жаҳон чемпионати ғолиблари Дилшод Набиев, Диёр Пўлатов, Баҳтиёр Сатторов, «Қирол кубоги» соҳиби Тоҳир Мирсамадов турнирнинг энг кучли спортчилари деб топилди.

ЭРКИН КУРАШ

Республика Олимпия ўринбосарлари билим юртида эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида Республика биринчилиги ниҳоясига етди. Унда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан йиғилган умидли ёш полвонлар иштирок этди.

Ўз вазн тоифасида РОЎБЮ талабалари Усмон Юсупов (39 кг), Сослан Гациев (42), Дилшод Мансуров (45), Санжар Машрабов (48), Жавлон Зоиров (52), Улуғбек Авезов (57), Рафаэль Петров (83), қорақалпоғистонлик Саловат Мажиддинов (63), бухоролик Баҳодир Қурбонов (69), самарқандлик Соҳиб Сатторов (76), навоийлик Муҳиддин Саидов (95) ғолиблик шоҳсупасини энг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, Фарғонада ёш Юнон-Рум курашчилари беллашувлари ҳам якунланди. Унда тошкентлик Зиёдулла Абдуллаев (42), Темур Фатхулин (63), Эркин Юсупов (69), андижонлик Акром Раҳимов (45), Муҳаммадумар Мадаминор (48), Хайитали Абдусаломов (52), бухоролик Садриддин Наврўзов (57), қашқадарёлик Абдуғани Қурбонов (76), фарғоналик Павел Аганов (83), Анвар Фозилов биринчи ўрин эгаси бўлди.

10-20 июль кунлари Россияда спортнинг 15 тури бўйича ўтказиладиган I Бутунжаҳон ёшлар ўйинларига вакилларимиз тайёргарлиги қизғин тус олмоқда. Босқичма-босқич терма жамоага номзодлар сараланмоқда. Шу орқали юртимиз шарафини нуфузли мусобақаларда муносиб ҳимоя қилиши мумкин бўлган спортчилар аниқланмоқда.

ҒОЛИБЛАР САРАЛАНМОҚДА

ШАХМАТ ВА ТАБОБАТ









1986 йил 14 майда тавваллуднинг 150 йиллиги кенг нишонланган В.Стейницнинг шахматчилик биографиясидан қисқача маълумотлар келтирамиз.

У Венада ўқиб юрган чоғларида «Ҳой, бу боланинг бир балоси бор»,-дейишарди кўпни кўрган шахматчилар. Бизда Венанинг олий шахматчилар жамияти уни топиб олиб, 1862 йилда Стейницни II Лондон халқаро турнирга жўнатди.

Стейницнинг дебюти муваффақиятли бўлди-маррага олтинчи бўлиб етиб келди. Бироқ у натижадан қаноат ҳосил қилмади, унга «Жаҳонгашта валломат»лик қисматини бошидан кечиришга тўғри келди, аммо ҳеч қачон у ўз қилмишидан нолимади.

Истеъдод билан бирга мустаҳкам характер, жасурлик, тиришқоқлик, ирода кучига эга бўлган буюк шахматчи Стейницнинг деярли 40 йиллик шухрат йўли бошланди.

Биринчи жаҳон чемпиони ҳаётида кўплаб турниру матчларда эришилган чўққилар мавжуд, мана баъзилари:

1866 йил. Жаҳон чемпионлиги учун ўтган норасмий матчлар сирасига қўшса арзийдиган вақтда Стейниц 8:6 ҳисобида устун чиқди.

1872 йил, Лондондаги халқаро турнирда биринчи совринни олди. Ўша йилнинг ўзида янги чиққан шахмат юлдузи И.Цукертортни матчда енгди.

Бу йилларнинг ҳаммасида комбинация Стейницнинг асосий қуроли бўлди. Лекин комбинациялар шоҳи ҳисобланган Андерсен билан бўлган матчдан кейин бу ҳақда жиддий ўйлаб қолди. Кейинчалик Стейниц шахмат ўйинида тасодифларга боғлиқ бўлмаган мантиқий қонунлар мавжуд, ўз ҳатти-ҳаракатларини позициянинг конкрет хусусиятлари билан мослаштирибгина шахматни тўғри ўйнаш мумкин, ҳар бир позиция учун муайян белгилар хос, ҳар қайси донанинг ўз қиймати бўлганидек, уларнинг биргаликдаги ҳаракатининг ҳам қиймати бир, деган хулосага келди.

Стейницни жаҳоннинг энг кучли шахматчиси деб атадилар. Бироқ бундай унвон расмий равишда таъсис этилмагунча унга талабгорлик қилиб бўладими?

Цукертортни зўрроқ деб ҳисоблардилар. Унинг 1883 йилги Лондон турниридаги муваффақияти айниқса ишонарли бўлиб, унда 1-ўринни олиш билан бирга маррага иккинчи бўлиб етиб келган Стейниццан 3 очко ўзиб кетди.

Стейниц фақат рақибини яккама-якка баҳсда енгибгина ўз обрў-эътиборини тиклай олишини тушунарди. Шундай қилиб у Цукертортни матчга чақирди. Мунозаралар уч йилга чўзилди. 1886 йилнинг 11 январида расмий жаҳон биринчиликлари даврини очган тарихий баҳс бошланди. Икки ойча давом этган бу матчда 10 учрашувни ютиб, бештасини бой берган ва шунчасини дуранг қилган В.Стейниц тимсолида жаҳон шахмат аҳли ўзининг илк расмий чемпионига эга бўлган эди.

Чемпионлик унвонида у яна кўплаб ғалабаларга эришди. 58 ёшида шахмат тожини 25 яшар рақиби Эмануэл Ласкерга топширишга мажбур бўлди. Оғир касаллик оқибатида у 1890 йил 12 августда вафот этди. Орадан шунча йил ўтса ҳамки, у асослаб берган позициявий принциплар шахмат назарияси ва амалиётида ҳамон ўз қийматини сақлаб келмоқда.

М.МУҲИДДИНОВ.

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият-56-82-79.Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Намангада - 6-22-19, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 01071. Нусхаси — 24.738. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Холҳўжа Мирзаев

123456